

«Ойна» журнали мухаррири Махмудхўжа афанди «Падаркуш ёки ўкумагон боланинг холи» исми тийтруга кўймак учун махсус бир рисола тахрир ва нашр этубдурларки, ўкуб чикдук. Туркистон шевасига ёзилгон ушбу рисолада Туркистон маишатидин бир фожеани гоят муассир равишда тасвир этилмишдур. Бу рисолянинг хулоса мазмуни ушбуди: Туркистонлик бир бой ўз ўгилларини ўкутмагани учун сухбат асносида бир мулло насихат берар ва илмининг хар ким учун лозими тўғрисида сўйлар. Бой бунинг сўзига кулок солмай, бечора муллога каттик сўзлар ила мукобала этар. Мулло хам томоги куйуб, бой меҳмонхонасидин аразлаб чикуб кетар. Мундин кейин бир зиёли мусулмон келуб, бул хам шул ўгилларини ўкутмагани учун хейли насихатлар берар. Мунга-да бой малолат ила кулок солуб, охири мудраб ухлаб колур. Бечора зиёли бойнинг бу холи асаф иштимолини кўруб, камоли таъсиридин йиглаб, бойнинг хонасидин чикиб кетар. Бойнинг ўгли ёмон одамлар ила пивахона ва фохишахоналарга юриб, андог фиск ва фужурни килур. Бир кеча пивахонада жўралари ила шароб ичишиб, маст бўлуб турганлари чоғда буларнинг кўнгли бир фохишага кетар. Они сухбатларига чакирмокчи бўлурлар. Фохиша эса ўн беш сўм олмасдин бурун буларнинг мажлисига келолмасликини баён этар. Буларнинг киссаларидин беш сўмдин зиёда пул чикмас. Мастлик устига пулсизлик хижолати буларнинг бошларини зиёда киздирар. Охири, бойнинг меҳмонхонасида сандукдаги акчасини ўгурламокка карор беруб, ўгурлик асбобларини бирга олуб, бой ётган меҳмонхонага боруб кирарлар. Сандукни очган вақтда бой уйгонуб буларни калтак ила урмокчи бўлур, шу чоғда бойбачча келуб, отасини кўлтиклаб ушлар. Жўраси бойни пичоклаб ўлдурар, сўнгра пулни олуб пивахонага келуб, фохишани чакируб олурлар. Шул кайфу сафо асносида пристуф хабардор бўлуб, полисалар ила келуб буларни босиб олур, хибс этар. Тафтишдин сўнг булар Сибирга хукм этилур. Мана бундин олинадургон ибратимиз шулки, бой фарзандларини ўкутмагани учун фарзандлари ўз бошига бало бўлди ва ўзлари хам умрлик Сибирга кетуб, на дунёдин, на отаси давлатидан бахт ва рохат кўрмадилар. Бу фойдали рисолянинг мутолаасини туркистонлик ёш биродарларимизга хам тавсия этармиз. Бахоси 12 тийиндир.

*«Туркистон вилоятининг газети»,*

*1914 йил, 2 январь*